

1-1-2019

TASHKENT MEDICAL ACADEMY COOPERATION WITH KOREA UNIVERSITY ON DEVELOPMENT OF PREVENTIVE MEDICINE

L.N. Tuychiev

Tashkent Medical Academy, Tashkent, 100104, Uzbekistan, laziz.tuychiev@tma.uz

Follow this and additional works at: <https://uzjournals.edu.uz/tma>

Recommended Citation

Tuychiev, L.N. (2019) "TASHKENT MEDICAL ACADEMY COOPERATION WITH KOREA UNIVERSITY ON DEVELOPMENT OF PREVENTIVE MEDICINE," *Central Asian Journal of Medicine*: Vol. 2018 : Iss. 4 , Article 14.
Available at: <https://uzjournals.edu.uz/tma/vol2018/iss4/14>

This Article is brought to you for free and open access by 2030 Uzbekistan Research Online. It has been accepted for inclusion in Central Asian Journal of Medicine by an authorized editor of 2030 Uzbekistan Research Online. For more information, please contact brownman91@mail.ru.

УДК: 614.71:502.3(575.1)

Title of the article in the Uzbek language:

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИНИНГ
КОРЁ УНИВЕРСИТЕТИ
БИЛАН ПРОФИЛАКТИК ТИББИЁТ
ЙЎНАЛИШИНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ БЎЙИЧА
ҲАМКОРЛИК ИШЛАРИ**

Title of the article in Russian language:

**РЕЗУЛЬТАТЫ СОВМЕСТНОЙ РАБОТЫ
ТАШКЕНТСКОЙ МЕДИЦИНСКОЙ
АКАДЕМИИ И КОРЕЙСКОГО
УНИВЕРСИТЕТА ПО РАЗВИТИЮ
ОБРАЗОВАНИЯ
В ОБЛАСТИ ПРОФИЛАКТИЧЕСКОЙ
МЕДИЦИНЫ**

**TASHKENT MEDICAL ACADEMY COOPERATION WITH
KOREA UNIVERSITY ON DEVELOPMENT OF PREVENTIVE MEDICINE**

Tuychiev L.N., Salomova F.I.

Тошкент тиббиёт академияси

Maqola to'g'risida ma'lumot

Qabul qilindi: 2018 y, iyul

Калим сўзлар: таълимни
ривожлантириши, эколог
шифокорларни ўқитиши, атроф-
муҳит омиллари.

АННОТАЦИЯ

Мақолада Тошкент тиббиёт академияси ва Корея университети ўртасида 2016-2020 йил-ларга мўлжалланган "Тошкент тиббиёт академиясида соғлиқни сақлаш соҳасида таълим-ни такомиллаштириши" номли халқаро лойиҳа доирасида академияда экологик ва атроф-муҳит омилларининг инсон саломатлигига таъсирини ўрганиш бўйича олий малакали мутахассисларни тайёрлаш, ҳамда инсон организмига таъсир этувчи атроф-муҳит омил-ларини ўрганиш, уларнинг зарарли таъсирини камайтириши ва касалликлар профилактикаси йўналишларидаги амалга ошириладиган ишларнинг натижалари ҳақида маълумотлар келтирилган.

Информация о статье

Принят: июль 2018 г.

Ключевые слова: развитие
образования, подготовка врачей-
экологов, факторы окружающей
среды.

АННОТАЦИЯ

Между Ташкентской медицинской академией (ТМА) и Корейским университетом (КУ) подписан меморандум о взаимопонимании по развитию образования в области здравоохранения в ТМА (в частности в области профилактической медицины), рассчитанный на 2016-2020 гг. Приводятся данные о результатах совместной работы ТМА и КУ по подготовке кадров, занимающихся изучением влияния факторов окружающей среды на организм человека и о результатах научно-исследовательских работ, выполняемых врачами-экологами.

Article info*Adopted: January 2018**Published: July 2018**Key words: improving of education, training teachers in ecology, environmental factors.***ABSTRACT**

The article provides information on the preparation of highly qualified specialists studying environmental factors effects to human health, decreasing their harmful effects and results of ongoing research in the field of diseases prevention within the international project "Improving Health Education in the Tashkent Medical Academy" planned for 2016-2020 between Tashkent Medical Academy and Korea University. Implementing new modern technologies into education requires new approaches in teaching process, which helps to improve the training system of future specialists

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий таълим тизимини янада ривожлантиришга йўналтирилган Қарорларида олий таълим тизимини келгусида янада такомиллаштириш ва комплекс ривожлантириш бўйича энг муҳим вазифалар этиб: ҳар бир олий таълим муассасаси жаҳоннинг етакчи илмий-таълим муассасалари билан яқин ҳамкорлик алоқалари ўрнатиш, ўқув жараёнига халқаро таълим стандартларига асосланган илғор педагогик технологиялар, ўқув дастурлари ва ўқув-услубий материалларини кенг жорий қилиш, ўқув-педагогик фаолиятга, мастер-класслар ўтказишга, малака ошириш курсларига хорижий ҳамкор таълим муассасаларидан юқори малакали ўқитувчилар ва олимларни фаол жалб қилиш, уларнинг базасида тизимли асосда республикамиз олий таълим муассасалари магистрант, ёш ўқитувчи ва илмий ходимларининг стажировка ўташларини, профессор-ўқитувчиларни қайта тайёрлаш ва малакасини оширишни ташкил қилиш; педагог кадрларнинг касб маҳорати сифати ва савиясини узлуксиз юксалтириш, хорижда педагог ва илмий ходимларнинг малакасини ошириш ва стажировкасини ўтказиш, олий таълим муассасалари битирувчиларини PhD ва магистратура дастурлари бўйича ўқитиш, олий таълим муассасалари ва қайта тайёрлаш ва малака ошириш марказлари ўқув жараёнларига юқори малакали хорижий олимлар, ўқитувчи ва мутахассисларни кенг жалб қилиш; ОТМ қуриш, реконструкция қилиш, капитал таъмирлаш, уларни замонавий ўқув ва лаборатория ускуналари ва бошқалар билан жиҳозлаб уларнинг моддий техник базасини мустаҳкамлаш ва бошқа вазифалар белгиланган [1]. Ушбу вазифаларни тўлақонли бажариш учун таълим жараёнини ва илмий тадқиқот ишларини илғор хорижий тажрибаларга таянган ҳолда олиб борилиши талаб этилади. Юқорида

кўрсатилган вазифаларнинг тиббиётга оид қисмининг барчаси аҳоли саломатлигини сақлаш ва мустаҳкамлаш, касалликларнинг олдини олиш ҳамда аҳолининг узок йиллар давомида фаол умр кечиришини таъминловчи шароит яратишга қаратилган.

Инсониятнинг жадал тарздаги хўжалик фаолияти, транспорт воситаларининг кўпайиши, авиациянинг такомиллашиши, қишлоқ хўжалиги пестицидларнинг кенг қўлланилиши, турли кўринишдаги аварияли ҳодисаларнинг ортиши, ҳалокат ва фожиалар, ҳамда ижтимоий зарбаларнинг ер куррасида мустаҳкам негатив ўзгаришларни, хусусан иқлим шароитларининг ўзгариши, атмосферадаги озон қатламининг емирилиши, бутун биосферанинг ифлосланиши, айрим географик жойлардаги ер сатҳининг чўл зоналарга айланиши ва тупроқнинг кучли шўрланиб кетиши, ўрмонзорларга етадиган талофатлар, кўпгина ўсимлик ва ҳайвонат дунёси турларини йўқолиб кетишига сабабчи эканлиги намоён бўлмоқда. Бундай вазиятдаги энг номувофиқ оқибат шундан иборатки, юзага келган ташқи муҳитдаги ҳар бир ўзгариш инсон организмига ва унинг наслига салбий таъсир кўрсатмоқда [2]. Дунёда пайдо бўладиган касалликларнинг - 24%, юз бераётган ўлимларнинг эса - 23% атроф муҳитдаги олди олиниши мумкин бўлган омилларнинг зарарли таъсири сабаб бўлаётгани [3], ҳамда ушбу нохуш ташқи муҳит омилларини аниқлаш ва уларнинг инсон организмига салбий таъсирини камайтиришга қаратилган профилактик ва соғломлаштирувчи чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ҳозирги куннинг долзарб масалаларидан хисобланади.

Тошкент тиббиёт академиясида бир қанча хорижий олий таълим муассасалари билан ҳамкорлик ишларини амалга оширмоқда. Тошкент тиббиёт академияси ва Корея Университети ўртасида 2016-2020 йилларга мўлжалланган “Тошкент тиббиёт академиясида соғлиқни сақлаш соҳасида таълимни такомиллаштириш”га оид халқаро илмий лойиҳани академияда ушбу йўналишда амалга оширилаётган ишларнинг бири сифатида эътироф этиш мумкин. Мазкур лойиҳа Корея илмий тадқиқот фонди ҳомийлигида амалга

оширилмоқда. Лойиҳа доирасида имзоланган меморандум шартларига кўра экологик ва атроф муҳит омилларининг инсон саломатлигига таъсирини ўрганиш бўйича олий малакали мутахассисларни тайёрлаш, ҳамда инсон организмига таъсир этувчи атроф муҳит омилларини ўрганиш, уларнинг зарарли таъсирини камайтириш ва касалликлар профилактикаси йўналишларидаги илмий ишлар (PhD дастури бўйича ўқитиш) янги очилган атроф муҳит гигиенаси кафедраси, ҳамда гигиеник йўналишдаги кафедралар ҳамда Корея Университетининг профилактик тиббиёт факультети кафедралари билан ҳамкорликда олиб борилмоқда.

Корея Университети профессорларининг 2017 йилдаги Тошкент тиббиёт академиясига ташрифи давомида тиббий профилактика факультети битирувчи курс талабаларига “Out line”, “Toxic factor”, “Working environment measurement”, “Analysis”, “Health care”, “Measurement” “Ventilation” ва “Based space work” ва бошқа мавзуларда маърузалар ўқилди.

Долзарб мавзулардан ҳисобланган атроф муҳитнинг ифлосланиши, иш жойлари ва саноат корхоналарининг зарарли омиллар билан зарарланиш, бунинг олдини олиш ва бартараф этиш учун қандай чора-тадбирлар ишлаб чиқиш лозимлиги ҳақида педагог ходимлар ҳамда талабалар билан суҳбатлар ўтказилди. Шунингдек, ходимлар ва талабалар Корея университетида бакалавриатура, магистратура ва докторантурада таълим олиш тартиби ва илмий ишларни бажаришга қўйиладиган талаблар билан танишдилар ҳамда танловда иштирок этишди ва ҳозирги кунда Корея Университетининг PhD докторантурасининг 1 ва 2 босқичида 2 нафардан илмий тадқиқотчилар тахсил олишмоқда.

Лойиҳа режаси бўйича амалга оширилаётган ишларни баҳолаш учун Корея таълим вазирлигидан Mr. Ye Byung Chul, Корея миллий тадқиқотлар фондидан Mr. Kwak Hwan, консальтинг экспертлар Lee Seung Pyo, Park Hwan Wo, Корё университetidан Choi Jae Wook, Kim Kyung Hee, Lee Hye Min, Ms.

Lim Hee Jinлар 2017 йили Тошкент тиббиёт академиясига ташриф буюришди ва Тошкент тиббиёт академиясида бажарилган ишларни ижобий деб баҳолашди.

Шу ўринда Тошкент тиббиёт академияси ректори раҳбарлигида бир гуруҳ профессор-ўқитувчилар Корея Университетига ташрифи ҳақида тўхталиб ўтамиз. 2017 йилнинг апрел ойида академиянинг 10 нафар профессор-ўқитувчилари Корея Университетига ташриф буюришди. Ташриф давомида академиянинг профессор-ўқитувчилари Кореялик ҳамкорлари билан ўқув жараёнини ташкиллаштиришга оид саволлар бўйича тажриба алмашишди. Жумладан ТТА профессор-ўқитувчилари Корея университети профилактик тиббиёт факультети талабалари учун ташкил қилинган семинарда Тошкент тиббиёт академияси профессор ўқитувчилари “Main aspects of educational process”, “Ensuring of radiation safety” ва “Environmental challenges of the Aral sea and the Aral sea area” мавзуларида маърузалар қилишди.

Корея университети профилактик тиббиёт факультети профессор ўқитувчилари Choi Jae Wook, Kim Kyung Hee, Lee Hye Min, Ms. Lim Hee Jinларнинг “Introduction of KU”, “National Health insurance System of Korea”, “Кореяда саноат хавфсизлиги атроф муҳит саломатлигини ривожлантириш жараёни” ва бошқа мавзулардаги маърузалари университет ўқув жараёни билан яқиндан танишишга ёрдам берди. Шунингдек профессор-ўқитувчиларимиз Корея университети томонидан ташкиллаштирилган конференцияда («The Korea Public Health Association – Public Health Association») қатнашиб жамоат саломатлигини сақлаш ва бошқариш масалалари бўйича маълумотларга эга бўлишди.

Ҳозирги вақтдаги долзарб мавзулардан ҳисобланган, атроф муҳит ва иш жойларининг саноат корхоналаридан чиқаётган зарарли омиллари билан ифлосланиши, бунинг олдини олиш ва бартараф этиш бўйича тажриба билан танишиш мақсадида Korea Occupational Safety & Health Agency (KOSHA) ва Occupational Safety and Health Research Institute (OSHRI)га ташриф буюрилди. Нефтни қайта ишлашга мўлжалланган “SK Energy” комплексига ташриф

Кореяда атроф ва ишчи муҳитни, шунингдек ишчилар саломатлигини муҳофаза қилишда катта ютуқларга эришилганини кўрсатди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 5 майдаги “2017/2018 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш тўғрисида”ги 2955 сонли қарорига асосан Тошкент тиббиёт академиясида Корея Университети билан ҳамкорликда «Атроф муҳит ва инсон саломатлиги» 5А510302 магистратура мутахассислиги очилди. Ҳозирги кунда 13 нафар талаба ушбу йўналишнинг 2 босқичида таҳсил олмоқда. Жорий 2018-2019 ўқув йилига «Атроф муҳит ва инсон саломатлиги» 5А510302 магистратура йўналишига 12 та ўрин берилди.

Ушбу магистратура йўналиши экология ва атроф муҳит омилларининг инсон саломатлигига таъсирини ўрганиш ҳамда инсон саломатлигини сақлаш ва мустаҳкамлаш бўйича кенг қамровли ишларни амалга оширадиган мутахассисларни тайёрлайди. Магистратура дастури Корея Университетининг профессорлари билан уларнинг экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бўйича мутахассисларни тайёрлашга оид тажрибасидан келиб чиққан ҳолда тайёрланди.

2017-2018 ўқув йили давомида Корё университетининг профессор-ўқитувчилари ўқув жараёнига жалб этилган бўлиб, улар “Атроф муҳит ва инсон саломатлиги” мутахассислиги магистратура йўналиши 1 курс талабаларига маърузалар ўқишди ҳамда семинар машғулотларини олиб боришди. Жумладан профессор Сонг Донг Бин “Атроф муҳит гигиенаси” блоки бўйича, профессор Чой Дже Ук “Жамоат саломатлиги” ва “Илмий тадқиқотларни олиб бориш методологияси” блоклари бўйича маърузалар ўқишди. Корея университети профессори Ким Сук Вон маҳорат дарслари давомида атроф муҳит омилларининг (атмосфера ҳавоси ва сув) физик ва кимёвий хусусиятларини замонавий асбоб-ускуналарда аниқлаш ҳамда баҳолаш тартибини намоёниш этди.

Профессор Чой Дже Укнинг тиббий профилактика факультетининг битирувчи курс талабаларига “Экология ва атроф муҳит муҳофазасининг замонавий муаммолари” мавзусида ўқиган маърузаси талабаларга келгусида магистратура йўналишини танлашда ёрдам беради.

2016 йили Тошкент тиббиёт академияси билан Корея Университети (Graduate School of Public Health, Korea University) ҳамкорлигида биринчи халқаро симпозиум бўлиб ўтди. Симпозиумда Корея Университети профессор-ўқитувчилари ва изланувчилари Choi Jae Wook, Lee Eun Il, In-Ho Kim, Dyong Hyum Lee, Hyunoh Noh, Beom Jun Seo, Jiyeon Shin, Tinyami Erik Tandi, Ji Won Bag, Jun Hee Cha, Mikyeong Ki, Sinae Kimлар ҳамда ТТА профессор-ўқитувчилари маърузалар қилишди. Симпозиумда экологик ва атроф муҳит омилларининг инсон саломатлигига таъсирини ўрганиш ҳамда уларнинг зарарли таъсирини камайтириш ва касалликлар профилактикасига бағишланган илмий тадқиқот ишларининг натижалари муҳокама қилинди.

Тошкент тиббиёт академияси билан Корея Университети ҳамкорлигида 2017 йилда ташкиллаштирилган иккинчи халқаро симпозиумда ТТА томонидан қатнашган маърузачилар сони ўтган йилга нисбатан ортди ва кўпчилиги ёш изланувчиларни ташкил этди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий таълим тизимини янада ривожлантиришга йўналтирилган Қарорларида олий таълим тизимини келгусида янада такомиллаштириш мақсадида хорижий ҳамкор таълим муассасаларига тизимли асосда олий таълим муассасалари педагог ходимларини стажировка ўташларини ташкил этиш вазифаси белгиланган. Кўрсатилан вазифанинг ижросини таъминлаш юзасидан ТТА профессор-ўқитувчилари Корё университетига 2018 йилнинг апрел ойида стажировка ўташ мақсадида ташриф буюришди. Корё Университети тиббиёт коллежида ТТА профессор-ўқитувчилари учун семинарлар ташкил этилди. Семинарлар “Корея жамоат саломатлигини сақлаш тизими”, “Корея миллий суғурта тизими”, “Кореяда тиббий таълимни баҳолаш ва аккредитациядан ўтказиш”, “Тиббий

таълимда институт фаолияти ва унинг олиб борилиши ҳамда баҳоланиши” мавзуларига бағишланган бўлиб, улар таълим сифатини яхшилаш масалалари бўйича тажриба алмашишга яқиндан ёрдам берди. Шунингдек Корея Университетида таълим жараёни билан танишилди. Корё университети тиббиёт коллежи бошқаруви ва ўқув режаларининг муҳокамаси бўлиб ўтди. Ортирилган тажриба республикамизда олий тиббий таълим соҳасида ўтказилаётган ислохатлар, яъни ўқув жараёнини ташкиллаштиришга оид қонуний ҳамда меъёрий ва услубий ҳужжатларни ҳорижий тажриба асосида қайта кўриб чиқишга ёрдам берди.

ТТА профессор ўқитувчилари Корё университетида профилактик тиббиёт йўналиши бўйича стажировка ўташ давомида Университетнинг тиббиёт коллежи ва клиникаси, ҳамда симуляцион марказга ташриф буюришди ва уларнинг фаолияти билан танишишди. Университет тиббиёт маркази президенти Кее Нуонг Лее ва тиббиёт коллежи декани Нонг Сик Лее билан ташкиллаштирилган учрашувда истиқболли режалар бўйича суҳбат ўтказилди.

Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш ва тиббий профилактика йўналишидаги бажарилган ишлар ва қўлга киритилган натижалар билан таништириш мақсадида Корея Университети профилактик тиббиёт соҳасида таълим олаётган магистратура босқичи талабалари учун семинар ташкил этилди. Ушбу семинарда ТТА профессор ўқитувчилари маърузалар билан иштирок этишди.

Тошкент тиббиёт академиясида Корея Университети билан ҳамкорликда ташкиллаштирилган «Атроф муҳит ва инсон саломатлиги» магистратура мутахассислиги йўналиши 2 босқичи талабаларига ўтиладиган фанлар бўйича дарс берадиган профессор ўқитувчиларимиз учун семинар ташкил этилди, ҳамда “Магистратура йўналиши бўйича бошқариш режаси ва ўқув дастури”, “Тадқиқот методологияси ва базавий статистика”, “Диссертацияни шакллантириш ва когорт текширув усуллари”, “PubMed қидирув тизими” мавзулари бўйича Корея Университетининг етакчи профессорлари томонидан маърузалар ўқилди.

Дунёда пайдо бўладиган касалликлар ва юз бераётган ўлимлар асосини атроф муҳитдаги олди олиниши мумкин бўлган омилларнинг зарарли таъсири сабаб бўлаётгани, ҳамда ушбу нохуш ташқи муҳит омилларини аниқлаш ва уларнинг инсон организмга салбий таъсирини камайтиришга қаратилган профилактик ва соғломлаштирувчи чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ҳозирги куннинг долзарб масалаларидан ҳисобланади. Кореяда ҳам бу масала долзарб бўлиб, ТТА профессор – ўқитувчилари Кореяда атроф муҳит ва ишчилар саломатлигини муҳофаза қилиш борасида амалга оширилаётган ишлар ҳамда қўлга киритилган ютуқлар билан танишиш мақсадида Экологик тадқиқотлар миллий институти ва Samsung Electronics компаниясига ташриф буюришди. Ташриф давомида олиб Корея атроф муҳитни муҳофаза қилиш, экологияни яхшилаш борасида олиб борилаётган илмий - тадқиқот ишлари, Samsung Electronics компанияси фаолияти танишилди, атроф муҳитни муҳофаза қилиш, ишчилар саломатлигини сақлаш ва мустаҳкамлаш ҳамда касб касалликлари ва уларни олдини олишга қаратилган тадбирлар бўйича семинар бўлиб ўтди.

Тошкент тиббиёт академияси профессор-ўқитувчиларининг Корея Университетида стажировка давомида тажриба алмашинуви ўқув жараёнини такомиллаштиришга ҳамда услубий ҳужжатларни ҳорижий тажриба асосида қайта кўриб чиқишга ёрдам берди.

Корея илмий тадқиқот фонди ҳомийлигида Тошкент тиббиёт академияси ва Корея Университети ҳамкорлигида бажарилаётган лойиҳа доирасида ТТА моддий техник базасини соҳага оид замонавий асбоб-ускуна ва лаборатория жиҳозлари билан бойитиш вазифалари белгиланган. Корё университети томонидан ТТАга ҳозирги кунга қадар атроф муҳит омилларининг физик ва кимёвий хусусиятларини ўлчаш ва баҳолашга мўлжалланган бир қатор асбоб-ускуналар ва лаборатория жиҳозлари (люксметр, шумомер, термогидроСО₂метр, аэрокон, атом абсорбцион спектрометр-АА-7000, спектрофотометр UV-1280 ва бошқалар) тақдим этилди.

Жорий 2018 йилнинг 7 июн куни «Тошкент тиббиёт академияси ва Корея Университети ҳамкорлигидаги илмий тадқиқот маркази» очилди. Марказда

замонавий жиҳозланган учта лаборатория хонаси, битта кўрғазмалар зали, иккита ўқув хонаси ва маърузалар зали мавжуд.

Биринчи лаборатория Япониянинг SHIMADZU компаниясида ишлаб чиқарилган AA-7000 серияли атом абсорбцион спектрометр ва UV-1280 серияли спектрофотометр билан жиҳозланган.

Атом абсорбцион спектрометр - аналитик кимёда кенг тарқалган кимёвий элементларни атом спектрал абсорбция механизмига асосланган ҳолда табиий ва чиқинди сув манбалари, минерал эритмалар, технологик ва бошқа эритмаларни таҳлил қилувчи инструментал усул ҳисобланади. Ушбу усулдан илмий тадқиқотчи ва талабаларимиз кўрғошин, симоб, висмут ва бошқа элементларни аниқлаш учун клиник ва турли хил биологик анализларда (қон, қон плазмаси ва бошқалар) қўллашлари мумкин. Спектрофотометрдан эса атроф-муҳит объектлари ёки озиқ-овқат маҳсулотларини сифатини таҳлил қилиш ва биотехнологик тадқиқотлар учун фойдаланишлари мумкин.

Иккинчи ва учинчи лаборатория атроф ва ишчи муҳити омилларига гигиеник баҳо беришда фойдаланиладиган люксметр, шумомер, термогидроСО₂метр, аэрокон ва бошқа лаборатория асбоб-ускуналари билан жиҳозланган. Ушбу лабораторияларда ёритилганлик ва шовқин даражаси, ҳавонинг ҳарорати, намлиги, СО₂ ва чанг миқдорини аниқлаш имконияти яратилган.

Кўрғазма залида турли соҳа ишчиларига мўлжалланган замонавий шахсий ҳимоя воситалари билан ва улардан тўғри фойдаланиш қоидалари танишиш мумкин.

Тошкент тиббиёт академияси ва Корея Университети ҳамкорлигида ташкил этилган илмий тадқиқот марказида таълим жараёни билан бир қаторда илмий тадқиқот ишларини бажариш имкониятлар яратилган.

Хулоса қилиб, Тошкент тиббиёт академиясида Корё университети билан ҳамкорликда профилактик тиббиёт йўналишини ривожлантириш бўйича бажарилган ишлар бу борадаги ишларнинг пойдевори ҳисобланиб, келгусида ҳамкорликда илмий – тадқиқот ишларини бажариш, ўқув адабиётларини

яратиш, талабалар алмашинувини амалга ошириш, «Атроф муҳит ва инсон саломатлиги» магистратура йўналиши битирувчиларини ишга жойлаштириш вазифлари турибди.

References:

1. 1. Uzbekiston Respublika Prezidentining “Oli talim tizimini yanada ryvozhlantirish chora-tadbirlari to’g’risida” gi PQ - 2909 - Sonli Qarori, 2017 yil 20 Aprel.
2. 2. Uzbekiston Respublika Prezidentiing “Ecologiya va atrof-muhitni muofaza qilish sohasida davlat boshqaruvi tizimini takomillashtirish to’g’risida” PQ-5024-sonli Farmoni, 2017 yil 21 Aprel.
3. Ponomareva L.A., Kazakov E.K., Abduqodirova L.K., Tuhtarov B.E., Dravskix I.K., Sharipova S.A., Sadullaeva X.A. Umumiy gigiyena bilan ekologiya. Amaliy mashg’ulotlar uchun o`quv qo`llanma. - T., 2011.- 199 б.